

«Укол олганда ро‘за очилиб кетади», деб эшитдим. Чиндан ҳам шундайми?

21:39 / 27.04.2016 25465

САВОЛ: Мен бетобман, кунига 2 маҳал укол олишим керак. Жумладан рўза ойларида ҳам укол олишга мажбур бўлдим. Лекин «Укол олганда рўза очилиб кетади», деб эшитдим. Чиндан ҳам шундайми?

ЖАВОБ: Укол деганда демак, бизда Нина билан инсонни баданига дори юбориш тушинилади. Мана шу дори юбориш 2 хил бўлади:

1: Терисини остига юбориш.

2: Қон томирига инсонинг ички тарафига юбориш.

Авваллари уламоларнинг кўплари” уколнинг қайси тури бўлса ҳам рўзани очади. Шунинг учун рўзадор одам, рўзам очилмасин деса, укол қилдирмайди” деган фикрни айтишар эди. Лекин кейинчалик тахлил ва тадқиқ билан ўрганилгандан кейин терининг остига қилинадиган уколлар инсонни ички аъзоларига, қорин ичакларига етиб бормаслиги, таом ўрнига ўтмаслиги аниқ бўлганидан кейин уламолар мана шу дори юбориш услубига қараб “рўза очилади”ёки “ рўза очилмайди” дейишадиган бўлишди. Бунда томирга қилинадиган уколлар озуқа бўладиган, кишини ичига ичакларига, қоринларига дорини етказадиган услублар уколлар рўзани очади. Терини остига дори юборадиган услубда рўза очилмайди деган хулосага келдилар. Бу фақат фатво учун айтилаётган гап лекин мана шу ҳолатда яна кунгилни ғашлигини кетказиш учун манна шундай саволларни кайта кайта бермаслик учун одам бу саволда айтилаётган икки маҳал уколни ифтордан кейин сахарликдан олдин қилдириб олиш имконини қилса ниҳоятда яхши буларди. Лекин фатво юзасидан терининг остига қилинадиган уколлар рўзани очмайди.